



27.09.2019



Нурота туман адлия бўлими томонидан ўтган давр мобайнида фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилди. Жумладан, Нурота туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази меҳнат инспектори Р.Жабборовнинг ноқонуний ишдан бўшатирилганлиги ҳолати юзасидан туман адлия бўлими судга меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни ғайриқонуний, деб топиш, аввалги ишига тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириш юзасидан даъво аризаси киритди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан, аризачи Р.Жабборов билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ ғайриқонуний, деб топилди, фуқаро аввалги ишига тикланди, мажбурий прогул кунлари учун 2 788 122 сўм иш ҳақи ва 500 000 сўм миқдорда маънавий зарар ундирилди.

Шунингдек, туман тиббиёт бирлашмасининг 65 нафар собиқ ва ишлаётган ишчи ходимларига улар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 1-бандига мувофиқ бекор қилинганлиги муносабати билан бугунги кунга қадар тўлаб берилмаётган Меҳнат кодексининг 109-моддасига мувофиқ ишдан бўшатиш нафақалари ҳамда икки ой учун моддий ёрдам пуллари суд тартибида ундириб берилди.

Азиз Аҳмедов,

Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

143 [Чоп этиш](#) [1] [PDF](#) [2]

Сўнгги янгиликлар:

- [Аёлда ор ва ғурурнинг йўқлиги миллат фожиасидир \(2019 йил, 38 сон\)](#) [3]
- [Обод қишлоқ, обод маҳалла ва равон йўллар \(2019 йил, 38 сон\)](#) [4]

- [Ўн бешинчи фирибгарлик \(2019 йил, 38 сон\)](#) [5]
- [Орзуларни оловга отма! \(2019 йил, 38 сон\)](#) [6]
- [Одам савдоси жабрдийдасига айланманг! \(2019 йил, 37 сон\)](#) [7]
- [Атом энергияси тўғрисидаги Қонун: 10 та афсона ва ҳақиқат](#) [8]
- [“Биз коррупцияга қаршимиз” мегатанлови. Кураш қалб ва онгда шаклланиши керак \(2019 йил, 37 сон\)](#) [9]
- [Пармонович пенсияга чиқмоқчи “Пармонов” эса халал бермоқда \(2019 йил, 36 сон\)](#) [10]
- [Судьялар олий мактаби. Мамлакатимиз суд тизимида яна бир тарихий воқеа \(2019 йил, 36 сон\)](#) [11]
- [Уй ҳайвонларига паспорт нимага керак? \(2019 йил, 36 сон\)](#) [12]

Source URL: <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/5037>

Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/5037>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/5037>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/5039>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/5038>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/5035>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/5034>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/5032>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/5030>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/5029>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/5026>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/5024>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/5023>